



Алхамдулиллоҳ, сўнгги йилларда Татаристонда халол маҳсулот ишлаб чиқариш саноати жадал ривожланиб бормоқда. Халол атамаси мусулмон бўлмаган ҳалклар томонидан нима учундир (асосан) факат гўшт маҳсулотларига нисбатан ишлатилмоқда. Улар халол маҳсулотлар кўргазмаларида: асал, китоб, диск, идишлар ва шу каби нарсаларни кўриб хайрон колишмоқда. Аслида эса халол – бу шариатда рухсат этилган нарсаларнинг барчасини камраб олади. Шундай экан бунга ўхшаш кўргазмалар халол бизнес килувчиларнинг кўргазмаси хамдир.

Халол анча кенг тушунча бўлиб, у фактат таом (лукма) билан чекланмайди. Мисол тарикасида айтадиган бўлса халол, бу Исломий турмуш тарзини демакдир.

Аммо бу маколада мен асосан халол лукмага ҳакида гапирман. Россияда халол атамаси кўп жихатдан озик-овкат ва гўшт маҳсулотларига татбик килинади ва маҳсулотнинг халоллигини товар белгиси (“Халол” муҳри босилган) га караб ажратишади. Шундан келиб чикиб, ахоли халол тушунчасини фактат озик-овкат ва гўшт маҳсулотларига деб билишади.

Шу боисдан хам бозорларни халол маҳсулотлар билан тўлдириш гўшт маҳсулотларидан бошланди. Халол лукма – мусулмонликнинг энг муҳим шартларидан бири бўлгани учун, мусулмонлар халол маҳсулотлар, шунингдек халол гўшт маҳсулотлари истеъмол килишлари керак. Собик Советлар даврида бу анча жиддий муаммо эди. Лекин Аллоҳга шукр-ки, хозирга келиб вазият тубдан ўзгарди.

Ахолисининг асосий кисми мусулмонлар бўлган Татаристонда халол озик-овкат маҳсулотларини ишлаб чиқариш саноатининг тараккиёти баъзи жихатларга кўра таълим ва ОАВ ривожидан муҳимроқдир.

Татарларни ўз эътиқодларига жалб этишга узок уринган христиан миссионерлари XIX асрга келиб, улар халол лукмани тарк этмасалар ўз эътиқодларини тарк этмасликларини англаб етдилар. Хаммаси оддий! Хаммаси шундай содир бўлди хам. Советлар даврида асосан шахарлик татарлар лукма халоллигини тезда эсдан чикардилар. Чунки, дўконларда халол гўшт маҳсулотларини тпоиб бўлмас эди. Ўшанда кишлок жойлардан Козондаги колхоз бозорларига халол гўшtlарни олиб келувчи татарлар кўпчиликнинг жонига оро киргандилар.

Машхур иборани бироз ўзгартириб: “Нима ейишингни айтсанг, ким эканлинигни айтаман”, – дейиш мумкин. Биз истеъмол килаётган нарсалар ўзлигимизни англашимизга кучли таъсир килади. Кўпчилик этнопсихологларнинг таъкидлашларича, ватан, тил бой берилганда айнан миллий таомлар миллий ўзликни англашнинг ягона манбаи бўлар экан.

Биз еяётган таомларимизнинг ўзимизга канчалик таъсир килишини тушунмаймиз (хис килмаймиз). Озик-овкат аслида яшшимиз учун зарур бўлган энергия (куч) манбаигина эмас, балки фаолиятимизни мувофиклаштирувчи (программалаштирадиган) ахборот хамдир. Ким билади, балким татарларининг ўз эътиодлари – Исломга кайтишлари хам айнан лукма халоллигига bogликdir.

Хаммасини оддийидан (кичик нарсалардан) бошлиш керак. Истеъмол килаётган нарсаларига эътибор киладиган юртдошларимиз биладилар-ки, хар кандай колбаса маҳсулотларининг таркибида чўчка гўшти мавжуд бўлиши мумкин. Секинлик билан факат халол маҳсулотлар сотиб олиш керак деган фикрга келинади. Зоро, бугун барча дўконларда улар мавжуддир. Бинобарин, халол маҳсулотларни сотиб олишни Исломдаги энг оддий фарз (бурч) дейиш мумкин. Эътиборлиси шундаки, халол гўшт маҳсулотлари бошкаларига нисбатан сифатли ва мазали бўлади.

Качонки, халол маҳсулотлар татарларнинг кундалик дастурхонларида ажралмайдиган бўлса, кейинги боскичларга ўтиш имкони тугилади. Агар инсон фактат халол лукма тановул кила бошласа, кейинчалик спиртли ичимликлардан хам ўзини тия бошлайди ва бунинг канчалик даражада мухим эканлигини тушуниб етади. Тушунинг, ахир халол лукмани арокка газак килиш дахшат-ку (разиллик-ку)! Агар оиласи дастурхонларда спиртли ичимликларга жой берилмаса ва ундан фактатгина халол маҳсулотлар ўрин олса, оиласи Ислом маънавияти мустахкамланади. Бундай оиласи дастурхонларда ўтказиладиган тенгдошлари орасида (маънавий) соглом бўлиб, Ислом хакида янада кўпроқ билишни истай бошлайдилар. Бахтимизга хозирги пайтда дўконларимизда диний адабиётлар танкислиги мавжуд эмас.

Шу тарика инсон (Исломда) ўз йўлинни топиб олади. Халол лукма еб, Рамазон рўзаларини тутиб, диний китоблар ўкиб юрувчилар эртами- кечми масжидларга катнай бошлайдилар. Дастроб фактат Жума намозларига чикадилар ва Исломнинг барча шартларини (фарз) бажариш шарт эканлигини англааб етадилар. Кўриниб турибди-ки, хаммаси халол лукмадан бошланади.

Халол халкимиз учун шунчаки лукма (таом) эмас, балки бутун бошли мафкурадир. Бошка динларга эътиод килувчи халклар курсовида асрлар давомида яшаб келган татарлар ўз дини, эътиоди ва халкини саклаб колиш учун жуда кўп захираларни сафарбар килишларига тўгри келди. Факатгина XIX асрга келиб Россия империяси таркибига киритилган ва асосан ўз диндошлари орасида яшовчи кавказликлар, карийиб 500 йилдан буён империянинг марказида кучли ассимиляция босими остида яшаган татарларнинг тақдири ва муаммоларини тушунишга кодир эмасдир. Шунга карамасдан биз халкимизни, динимизни ва тилимизни асрраб колдик.

Шу ўринда ишлаб чикарувчилар “халол” белгиси остида даромад кетидан кувиб, маҳсулот

сифатини саклаб колишлари хам ўта мухимдир. Ислом ёввойи капитализм макони эмас!

Татар халкини мусулмонлигича саклаб колишими兹 учун халол лукма (таом) мухим ўрин тутади. Собик совет хукумати даврида татарларнинг каттагина кисма ўз динларини эсдан чикаришгача боришганига карамасдан деярли барча татарлар ўзларини мусулмон санашадилар. Тушуниш керак-ки, бу воеалардан кейин дархол намоз ўкиш, рўза тутиш, закот бериш каби фарз амалларини бирданига бажариб кетиш мураккаблик килиши мумкин. Шунинг учун, келинг, дастлаб лукмамизни халоллашдан, яъни факат халол маҳсулотларни истеъмол килишдан бошлаймиз! Ахир бу жуда осон-ку, ваҳоланки, коидага кўра халол маҳсулотлар халол бўлмаган маҳсулотлардан кўра сифати ва мазасининг аъло даражада эканлиги билан ажралиб туради.

Айтиш мумкин-ки, халол колбаса маҳсулотларини истеъмол килишга (фойдаланишга) нафакат татар-мусулмонлар, шунингдек руслар хамда бошка номусулмон халклар орасида хам талаб катта.

info-islam.ru сайтининг маълумотлари асосида
Элдор Ишмуратов